

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддиневич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллаҳжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Надира Махкамова

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....5

2. Ollabergan Allaberganov

1945–1960-YILLARDA XORAZM VILOYATI QISHLOQLARIDA MAKTABGACHA TARBIYA TIZIMIDAGI MUAMMO VA ZIDDIYATLAR.....13

3. Zaxra Mirzayeva

K.P. FON KAUFMAN MA’MURIYATINING ILK KO‘RGAZMA TASHABBUSLARI.....17

4. Akmal Mengliboyev

SOVET HOKIMIYATI O‘RNATILISHI ARAFASIDAGI JANUBI-SHARQIY BUXORODA VAZIYAT.....23

5. Xushnudbek Mamadaliev

XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA FARG‘ONA VODIYSI SHAHRLARIDAGI DEMOGRAFIK O‘ZGARISHLAR.....28

6. Xosiyat Nafiddinova

MDH DAVLATLARIDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK ASOSLARI VA ZAMONAVIY TADQIQOT YO‘NALISHLARI.....35

7. Бекзод Пайзуллаев

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ, ЎРАТЕПА ВА ХЎЖАНД УЧУН КУРАШЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР.....39

8. Mo‘minjon Salayev

BAQTRIYA HUUJATLARIDA AYOLLARNING HUQUQIY VA IJTIMOIIY MAQOMI (IV – VIII ASRLAR).....46

9. Nafisa Hayotova

БУХОРО ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ МУҲИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА МЕЪМОРИЙ УСЛУБ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.....55

10. Sevara Elmurodova


O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARI SOHASIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR MOHIYATI.....64

11. Ziyodulla Eshmirzayev

TO‘G‘ONSIZ SUG‘ORISHDAN MUHANDISLIK NAZORATIGA: XORAZMVOHASI IRRIGATSIYA TIZIMIDAGI BURILISH (1946–1991-YILLAR).....75

12. Абзамжон Юсупов

ФАРҶОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ.....81



Аъзамжон Юсупов,
доцент, PhD, Фарғона жамоат
саломатлиги тиббиёт институти,
azam_1204@mail.ru

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

For citation: Azamjon Yusupov. CULTURAL-EDUCATIONAL AND SOCIAL-POLITICAL ACTIVITY OF THE JADIDS OF FERGANA VALLEY. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 8.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22010619>

АННОТАЦИЯ

Мақола Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатининг амалга оширилиши, унинг йирик намоёндаларидан бири О.Маҳмудов тарихий шахси ва фаолияти ҳақида маълумотлар беради. Бу ўз навбатида XIX аср сўнги чораги XX аср бошлари Туркистон жамиятидаги ижтимоий, иқтисодий жihatдан маҳаллий аҳоли инсоният умумтараққиётидан орқада қолаётганлиги, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини ўртага қўйган эди.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, жадидчилик ҳаракати, О.Маҳмудов, XIX аср сўнги чораги, XX аср бошлари, Туркистон жамияти, ижтимоий, иқтисодий ҳаёт, умумбашарий тамаддун, жамиятни ислоҳ қилиш.

Юсупов Аъзамжон,
доцент, PhD, Ферганский институт
общественного здравоохранения
azam_1204@mail.ru

КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ И СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАДИДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о движения джадидов в Ферганской долине, исторической личности и деятельности одного из его главных представителей О. Махмудове. Это, в свою очередь, подчеркивает тот факт, что местное население туркестанского общества в последней четверти XIX века и начале XX века отставало от общемирового развития человечества в социально-экономическом плане, и была необходимость реформирования общества.

Ключевые слова: Ферганская долина, движение Джадидов, О. Махмудов, последняя четверть XIX века, начало XX века, туркестанское общество, социально-экономическая жизнь, всеобщая цивилизация, реформирование общества.

Azamjon Yusupov,
Associate Professor, PhD,
Fergana Institute of Public Health,
azam_1204@mail.ru; tel.:916680584

CULTURAL-EDUCATIONAL AND SOCIAL-POLITICAL ACTIVITY OF THE JADIDS OF FERGANA VALLEY

ABSTRACT

This article presents information about the Jadid movement in the Fergana Valley, the historical figure, and the activities of one of its main representatives, O. Makhmudov. This, in turn, highlights the fact that the local population of Turkestan society in the last quarter of the 19th century and the early 20th century lagged behind global development in socioeconomic terms, necessitating social reform.

Index Terms: Fergana Valley, Jadid movement, O. Makhmudov, last quarter of the 19th century, early 20th century, Turkestan society, socioeconomic life, universal civilization, social reform.

Долзарблиги:

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда тарихий шахсларнинг ҳаёти, фаолияти акс этган асарларни ўрганиш жамият ижтимоий онги ҳамда тафаккурини шакллантиришда муҳим манба сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, “Миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”[1].

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда тарихийлик, ҳолислик, тизимлилик, изчиллик ва тарихий-генетик ёндашув тамойилларига таянилган ҳолда Фарғона водийси жади́дларининг маърифий ташаббуслари, янги усул мактабларини ташкил этишдаги иштироки, матбуот ва адабиёт орқали миллий онгни шакллантиришдаги роли, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги таҳлил қилинади. Мавзунинг тадқиқи этиш жараёнида муаммовий-хронологик, қиёсий-тарихий, тарихий-биографик, мантиқий таҳлил, контент-таҳлил, тизимлаштириш ва умумлаштириш усулларида фойдаланиш назарда тутилади. Ушбу усуллар жади́длар ҳаракатининг шаклланиш босқичлари, ҳудудий хусусиятлари, ғоявий-мафкуравий қарашлари ҳамда уларнинг маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни очиқ бериш имконини беради. Жади́дчилик тарихшунослиги шартли равишда чор Россияси мустамлакачилиги даври тадқиқотлари, совет давридаги мафкуравий ёндашувлар, мустақиллик йилларида шаклланган миллий тарихий концепция ва замонавий илмий изланишлар босқичларига ажратилади. Фарғона водийси жади́дларининг маҳаллий ижтимоий муҳит, шаҳар маданияти, таълим тизими, матбуот ва сиёсий ташкилотлар билан муносабатларини комплекс равишда ўрганиш масаласи ҳали ҳам долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Тадқиқотнинг манбавий базасини архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, жади́д муаллифларининг асарлари, хотиралар, илмий мақолалар, диссертациялар ва замонавий тарихшуносликка оид тадқиқотлар ташкил этади. Мазкур ёндашув Фарғона водийси жади́дларининг миллий маданият, маърифат ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт тарихидаги ўрнини илмий асосда белгилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари:

Туркистонда, хусусан Фарғона водийсида жади́дчилик ҳаракатининг йирик намоёндалари жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, шунингдек, маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлиги, жамиятни ислоҳ қилиш зарурияти каби муаммоларни ҳал қилиш кераклигини тушунган ҳолда юрт мустақиллиги, Ватан равнақи, ўз миллати кишиларининг ривожини учун катта ҳаракат олиб борди.

Шу ўринда алоҳида аҳамиятли ишларни фаол амалга оширган шахс бу – Фарғона жади́дларининг йирик вакили Обиджон Махмудов ҳисобланади. Бугунги кунда унинг

курашлардан иборат шахсий ҳаёти ва фаолиятини, илмий меросини Янги Ўзбекистон ёшларига катта етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Обиджон Маҳмудов ўзининг мақолаларида айрим “диний уламо”ларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатганликларини танқид қилади ва жамиятдаги мавжуд иллатлар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беради[2]. Шунингдек, у таълим, иқтисод, маданият ва умуман жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини тушунтиришга интилан.

У барча жадидлар каби халқни маърифатли қилмасдан, жаҳон маданияти ютуқларидан фойдаланмасдан туриб ўзи яшаётган минтақа тараққий этолмаслигини тушунган.

У халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун мустамлака – феодал зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, иқтисодий мустақилликка эришиш зарур, деган ғояни илгари сурди. Жумладан, Обиджон Маҳмудовнинг кўплаб чиқишларида матбуотда Европа банк ва биржалари, ҳаддан зиёд оғир солиқлар, йўқ бўлиб кетаётган иқтисодиёт соҳалари танқид қилинган бўлса, кейинги даврда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун амалий ҳаракатлари билан ташаббус кўрсатди[3].

Жумладан, янги иқтисодий механизмлардан маҳаллий банк ва биржа фаолиятини йўлга қўйиш орқали мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш мумкинлигини таъкидлади.

Умуман олганда, Обиджон Маҳмудов Туркистон жадидларининг йирик вакили, “Садои Фарғона” газетасининг бош муҳаррири ҳамда Туркистон Мухториятида озиқ-овқат вазири лавозимларида фаолият олиб борган серкирра шахс эди.

Тарихчи олимнинг қайд этишича, андижонлик йирик мулкдор, сармоядор, миллионерлардан Миркомилбой Мирмўминбоев, Аҳмадбек Темурбеков, Қўқон биржа жамияти иш юритувчиси Ёқубхожи Эшон кабилар Обиджон Маҳмудовни қўллаб-қувватлаган[4].

Тарихчи олим Б.Ҳасановнинг тадқиқотларида “Садои Фарғона” газетасида таълим ва маориф масалаларнинг ёритилишига оид мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир[5].

Яна бир таниқли тарихчи олим Р.Шамсутдинов ўз тадқиқотларида Обиджон Маҳмудов фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар берган. У ўз асарида Туркистон район муҳофаза бўлимининг 1916 йил 4 ноябрдаги 4780-сонли маълумотномаси ҳақида сўз юритиб, “Ғайрат” жамияти фаолияти, уни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда Обиджон Маҳмудовнинг роли катта бўлганлиги ҳақида маълумотларни келтирган. Ушбу маълумотномада 1916 йил 9 октябр куни Қўқон шаҳрида Обиджон Маҳмудовнинг уйида “Ғайрат” жамияти аъзоларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтганлиги, унда Қўқонда хусусий босмохона очиш ҳамда ўзбек тилида мусулмонча газета чиқариш масаласи кўрилганлиги ҳамда қўқонлик бойлар бу масалага молиявий кўмак беришга келишишгани таъкидланган. Обиджон Маҳмудов ушбу ишга бош-қош бўлган шахслардан бири сифатида 1914 йилда Қўқонда ўзбек тилида “Садои Фарғона” номли газета ташкил этгани таъкидланган. Ушбу маълумотномасида Обиджон Маҳмудовнинг бениҳоя бой, айёр ва маҳаллий аҳолини эксплуатация қилиш орқали бойигани ҳақидаги салбий фикрлар келтирилган”[6]. Бундан маълумки, Подшо Россияси жосуслари Обиджон Маҳмудов ҳақида муайян маълумотга эга бўлганлар. Лекин маҳаллий аҳолини эксплуатация қилиш билан бойлик орттирганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳақиқатдан йироқдир.

Шунингдек, олим ўз мақолаларида О. Маҳмудовнинг Туркистон Мухториятининг раҳбарлари бўлиш – Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Носирхонтўра Камолхонтўраевлар билан алоқаларига тўхталиб ўтилган[7].

Қ.Ражабов ўз тадқиқотларида Обиджон Маҳмудов фаолиятининг айрим жиҳатларига эътибор қаратиб, Туркистон Мухторияти вазирлари орасида салмоқли фаолият олиб борганлигини таъкидлайди. Лекин муаллифнинг Обиджон Маҳмудов Туркистон Мухториятида кейинчалик юстиция вазири бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотларни келтиради[8].

Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудов 1871 йилда Марғилонда туғилган ва кўплаб илмий, адабий мерос ёзиб қолдирган шахсдир.

Обиджон Маҳмудов геология соҳасига қизиққани ва ҳаёти шу касб билан боғлиқ бўлгани учун 1897-1901 йилларда Петербург тоғ-кон университетида ўқиб, ушбу соҳа бўйича йирик мутахассис бўлиб, кейинчалик давлат арбоби, ўзбек ҳамда рус тилларида ижод этган адиб, араб, турк тилларининг билимдони, иқтисод, геология фанлари соҳасида ўзига хос билимга эга бўлган етуқ шахс бўлиб етишади[9].

Хулоса қилби айтганда, О. Маҳмудов сиёсий карьерасининг дастлабки даврдаги фаолиятида, жадидларнинг бутун мафкураси асосларини ташкил этган бир неча муҳим қоидаларга эътибор бериш зарур бўлади. У барча жадидлар каби халқни маърифатли қилмасдан, кенг оммани жаҳон маданияти ютуқларига ошно қилмасдан туриб, Туркистоннинг тараққий этолмаслигини тушуниб етган; шу жумладан халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун мустамлака – феодал зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, маънавий камолотга эришиш зарурлигини илгари сурган эди.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>. (Speech by the President of the Republic of Uzbekistan, Sh.M. Mirziyoyev, delivered at the videoconference meeting held on January 19, 2021, on the fundamental improvement of the system of spiritual and educational work and strengthening cooperation between state and public organizations in this sphere. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>.)

2. Имтиҳонларни соддалаштурмоқ // Садои Фарғона, 1914 йил 9 май. №14. (“Simplifying Examinations” // Sadoi Fergana, May 9, 1914, No. 14.)

3. Ражабова Д.Н. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2003. – Б. 36. (Rajabova, D.N. Issues Concerning Youth and Women in the Views of the Jadids of Turkestan (Late 19th–Early 20th Centuries). Candidate of Historical Sciences dissertation. Tashkent, 2003, p. 36.)

4. Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века: Автореф. дисс...докт.ист.наук. – Ташкент, 1994. –С.19. (Sadikov, Kh.D. The Colonial Policy of Tsarism in Turkestan and the Struggle for National Independence at the Beginning of the 20th Century. Abstract of a Doctor of Historical Sciences dissertation. Tashkent, 1994, p. 19.)

5. Ҳасанов Б. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20 – 30 – е годы и их последствия // Ўзбекистон тарихи, 2000, №1 – 2. – С. 101-109; Унинг ўзи. “Садои Фарғона” газетасида таълим ва маориф масалаларининг ёритилиши // Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси номли Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2015 йил 27 май. – Б. 24. (□ Hasanov, B. “Repressions against the Intelligentsia of Uzbekistan in the 1920s and 1930s and Their Consequences” // History of Uzbekistan, 2000, Nos. 1–2, pp. 101–109; by the same author, “Coverage of Education and Enlightenment Issues in the Newspaper Sadoi Fergana” // Proceedings of the Republican Scientific and Practical Conference “Two Gems of Our National Press,” May 27, 2015, p. 24.)

6. Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Sharq нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2013. – Б. 216-266. Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов. – Тошкент: Шарқ нашриёт - матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000. –Б.297-298. (Shamsutdinov, R.T., and Ishoqov, A.A. Sketches from the History of Andijan. Tashkent: Chief Editorial Office of Sharq

Publishing and Printing Joint-Stock Company, 2013, pp. 216–266. See also: The New History of Uzbekistan. Book One: Turkestan during the Period of Tsarist Russian Colonialism. Compiled by H. Sodiqov, R. Shamsutdinov, P. Ravshanov, and Q. Usmonov. Tashkent: Chief Editorial Office of the Sharq Publishing and Printing Concern, 2000, pp. 297–298.)

7. Шамсутдинов Р. Штрихи к портрету военного министра туркестанской автономии Убайдуллы Ходжаева // Водийнома, 2017 йил, №5. – С. 178-190; Қаранг: Шамсутдинов Р, Эрктурк М.Х. Саид Носирхон тўра – маориф вазири // Водийнома, 2017, №5. – Б. 171-178; Шамсутдинов Р. Чўлпон – озодлик курашчиси // Водийнома, 2017, №3. –Б. 76-85. Шамсутдинов Р. Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб // Водийнома, 2018, №3. – Б. 19-22. (Shamsutdinov, R. “Sketches for a Portrait of Ubaydulla Khojaev, Minister of War of the Turkestan Autonomy” // Vodiynoma, 2017, No. 5, pp. 178–190. See also: Shamsutdinov, R., and Erkturk, M.Kh. “Said Nasirkhan Tura—Minister of Education” // Vodiynoma, 2017, No. 5, pp. 171–178; Shamsutdinov, R. “Cholpon as a Freedom Fighter” // Vodiynoma, 2017, No. 3, pp. 76–85; Shamsutdinov, R. “Searching for Cholpon’s Legacy in Azerbaijan” // Vodiynoma, 2018, No. 3, pp. 19–22.)

8. Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. –Тошкент: Bodomzor invest, 2021. – Б. 34. Қаранг: Алексеенков П. Кокандская автономия. – С. 26. (Rajabov, Q. The Lives and Fates of the Ministers of the Turkestan Autonomy and Members of the National Assembly. Tashkent: Bodomzor Invest, 2021, p. 34. See also: Alekseenkov, P. The Kokand Autonomy, p. 26.)

9. Қозоқов Т.А. XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати. Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2001. – Б.77; Қаранг: Назаров Р. Махмудов Абиджан Абдухалик оглы // Ислам в Санкт-Петербурге, 2009. – С. 12. (Qozokov, T.A. The Socio-Political Situation and the Jadid Movement in the Fergana Valley at the Beginning of the 20th Century. Candidate of Historical Sciences dissertation. Tashkent, 2001, p. 77. See also: Nazarov, R. “Makhmudov Abidjan Abdulkhaliq oglu” // Islam in St. Petersburg, 2009, p. 12.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000